

Ички Ишлар Органлари Ходимлари Жисмоний Тайёргарлигини Баҳолаш Ва Ташкил Этишнинг Норматив-Институционал Механизмлари

Муҳамадов Улуғбек Умеджон ўғли

© Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур тадқиқотда ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ташкил этиш ва баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари илмий таҳлил этилган. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида жисмоний тайёргарлик нафақат хизмат самарадорлигини ошириш воситаси, балки жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик омили сифатида қаралмоқда. Мақолада миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий асослар, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий-назарий қарашлари ҳамда АҚШ, Германия, Япония, Польша, Хитой ва Россия тажрибалари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, миллий тизимда мавжуд муаммолар — стандартлаштирилган мезонларнинг етишмаслиги, инновацион технологиялардан кам фойдаланиш, машғулотларнинг мунтазам эмаслиги ва хорижий тажрибани етарли интеграция қилмаганлик ҳолатлари кўрсатилган. Муаллиф мазкур муаммоларни бартараф этиш учун қонунчиликни такомиллаштириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва миллий спорт анъаналарини интеграция қилиш зарурлигини асослаб берган.

Калит сўзлар: Ички ишлар органлари, жисмоний тайёргарлик, ташкилий механизмлар, қонунчилик асослари, халқаро тажриба, хизмат самарадорлиги.

Янги Ўзбекистонда кейинги йилларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлиги соҳасини модернизация қилишга қаратилган бўлиб, ушбу жараён миллий хавфсизлик стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида давлат сиёсатининг марказида турибди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги *ПФ–5005-сон Фармони*¹да ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш ҳамда уларнинг жамоат тартибини таъминлашдаги масъулиятини кучайтириш вазифалари белгиланган. Шунингдек, 2021 йил 26 мартда қабул қилинган *ПҚ–6196-сон Президент қарори*² ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, хизматчиларнинг касбий маҳорати ва маънавий савияси билан бир қаторда жисмоний тайёргарлик даражасини давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгилаб берди.

Мазкур меъёрий ҳужжатлар ва ислохотлар контекстида ички ишлар органлари хизматчиларининг жисмоний тайёргарлиги оддий амалий талаб эмас, балки хизмат

¹ *Мирзиёев Ш.М.* “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5005-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/>

² *Мирзиёев Ш.М.* “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойатчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 6196-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/>

самарадорлигини таъминловчи ва тизимнинг барқарор институционал ривожланишини кафолатловчи стратегик омил сифатида намоён бўлмоқда. Бунда жисмоний тайёргарлик тестларининг жорий этилиши, даврий қайта баҳолаш тизимининг амалиётга татбиқ қилиниши, спорт-соғломлаштириш машғулотларининг тизимли равишда ташкил этилиши ходимларнинг хизматбоплик даражасини аниқ баҳолаш имкониятини яратади. Шу орқали кадрлар салоҳиятини самарали бошқариш, хизматчиларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва хизматга яроқлилиқ ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиш имкониятлари кенгаймоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тайёргарлик масаласи Янги Ўзбекистон давлат сиёсатидаги энг муҳим тамойил — *инсон хавфсизлиги ва манфаатларининг устуворлиги* билан чамбарчас боғлиқдир. Жисмонан бақувват, чидамли ва тезкор хизматчиларнинг мавжудлиги нафақат жамоат тартиботини таъминлаш жараёнида самарадорликни оширади, балки аҳолининг ҳуқуқ-тартибот органларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Ҳозирги замонда ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ташкил этиш ва баҳолаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш масаласи муҳим долзарблик касб этмоқда. Чунки жисмоний тайёргарлик фақат шахсий соғлиқ ёки спорт натижалари билан чегараланмай, балки хизмат самарадорлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлади. Бу масалада маҳаллий олимлар қатор назарий-амалий изланишлар олиб боришган бўлиб, уларнинг илмий қарашлари амалдаги тизимни такомиллаштириш заруратини асослаб бермоқда.

Аввало, профессор **М.И. Махсадов** жисмоний тайёргарликни миллий қонунчилик асосида қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб, уни хизмат самарадорлиги ва хавфсизлик билан чамбарчас боғлайди³. Шунингдек, **Ш. Каримов** ўз тадқиқотларида Ўзбекистонда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган жисмоний тайёргарлик талабларини халқаро полиция ва ҳарбий стандартлар билан қиёсий таҳлил қилиб, баҳолаш мезонларига стресс-барқарорлик ва фавқулодда ҳолатларда қарор қабул қилиш қобилияти каби кўникмаларни интеграция қилиш зарурлигини асослаб берган⁴. Ҳуқуқшунос олим **У. Нуруллаев** эса ички ишлар органлари тизимида ортиқча вазн ва жисмоний пассивлик муаммосини таҳлил қилиб, ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш тизимини соғломлаштириш гуруҳлари ва мунтазам тиббий-назарий машғулотлар орқали такомиллаштириш йўллариини таклиф қилади⁵. Шу билан бирга, **Х.Р. Назаров** хизмат самарадорлигини оширишда замонавий педагогик ва психологик ёндашувлардан фойдаланиш муҳимлигини асослаб берса⁶, **Б. Хўжақулов** эса инновацион технологиялар – электрон мониторинг ва онлайн-тест тизимлари орқали баҳолаш жараёнини самарали ташкил этиш имкониятларини кўрсатиб берган⁷. Шу билан бирга, янги инновацион ёндашув сифатида **А.Г. Мирзақуловнинг** тадқиқотларида CrossFit технологияларини ички ишлар органлари Академияси курсантларини тайёрлаш жараёнига жорий этиш илмий жиҳатдан асослаб берилган. Унга кўра, CrossFit фақат жисмоний тайёргарликнинг универсал тизими эмас, балки кадрларда маънавий-иродавий сифатларни шакллантириш, стрессга чидамлилиқ ва экстремал вазиятларда қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш воситаси сифатида ҳам аҳамиятга эгадир⁸.

³ Махсадов М.И. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда жисмоний тайёргарликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, Тошкент, 2021. – Б. 45–47.

⁴ Каримов Ш. Жамоат хавфсизлиги ва жисмоний тайёргарлик, Тошкент: Юридик адабиётлар, 2021. – Б. 62–66.

⁵ Нуруллаев У.К. Ички ишлар органлари тизимида жисмоний тайёргарликни такомиллаштириш йўллари, “Ички ишлар органлари хабарлари”, 2020, №4. – Б. 23–27.

⁶ Назаров Х.Р. Жисмоний тайёргарлик ва хизмат самарадорлиги уйғунлиги, Тошкент: Академнашр, 2019. – Б. 38–42.

⁷ Хўжақулов Б. Хавфсизлик тизимида жисмоний тайёргарлик мезонлари, “Ҳуқуқ ва хавфсизлик” журнали, 2022, №2. – Б. 55–59.

⁸ Mirzakulov A.G., Crossfit as an Innovative System of Physical Education of Cadets of the MIA Academy of the Republic of Uzbekistan, PEDAGOGS журнали, 2024, Т.58, №2. 200–204-бетлар.

Россиялик олимларнинг илмий-назарий қарашлари ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ташкил этиш ва баҳолаш механизмларини такомиллаштириш заруратини бир неча йўналишларда асослаб берган. Жумладан, **В.И. Лебедев** жисмоний тайёргарликни давлат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг ажралмас қисми сифатида талқин қилиб, уни ташкил этиш жараёнида хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ва норматив-ҳуқуқий асослар билан уйғунлаштириш зарурлигини таъкидлайди⁹. Шу билан бирга, **А.П. Коробейников** ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолашда ягона мезонларнинг мавжуд эмаслиги тизим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишини қайд этиб, халқаро полиция стандартлари асосида қайта кўриб чиқиш зарурлигини асослаб беради¹⁰.

Шунингдек, **Н.В. Дворянчиков** жисмоний тайёргарлик ходимнинг психологик барқарорлиги билан уйғун ҳолда ривожланиши лозимлигини таъкидлаб, бу жараён экстремал шароитларда хизмат самарадорлигини сезиларли даражада оширишини кўрсатади¹¹. **А.А. Жданов** эса замонавий электрон мониторинг, симулятор ва функционал тестлардан фойдаланиш орқали баҳолаш жараёнида объективлик ва самарадорликни таъминлаш имкониятларини илмий жиҳатдан асослаб берган¹². **Е.В. Сидоров**нинг илмий изланишларида эса жисмоний тайёргарлик ходимнинг хизматбоплик даражасини белгилайдиган асосий омил сифатида талқин қилиниб, уни баҳолашда хизматнинг реал шароитлари, экстремал вазиятларда қарор қабул қилиш қобилияти ва стресс-барқарорлик каби жиҳатларни ҳисобга олиш зарурлиги алоҳида қайд этилган¹³.

Шундай қилиб, россиялик олимларнинг мазкур илмий-назарий қарашлари ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ташкил этиш ва баҳолашнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш жараёнида ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, баҳолаш мезонларини халқаро стандартларга уйғунлаштириш, психологик-педагогик ёндашувларни жорий этиш ва инновацион технологиялардан фойдаланиш заруратини кўрсатиб бермоқда.

АҚШ олимларидан Collingwood S. ўзининг *“Fitness for Law Enforcement Officers: A Functional Approach”*¹⁴ номли асарида полиция ходимлари жисмоний тайёргарлигини фақат спорт натижаларини баҳолаш мезони сифатида эмас, балки хизмат самарадорлиги ва психологик барқарорлик билан уйғун ҳолда қараш лозимлигини асослайди. Унга кўра, функционал машқлар ва экстремал шароитларда қарор қабул қилиш қобилияти ҳуқуқ-тартибот органлари самарадорлигининг ҳал қилувчи мезонларидан бири ҳисобланади. **Германиялик олимлардан Markus Schmid** эса *“Polizei-Sport”* дастури¹⁵ асосида жисмоний тайёргарлик мезонларини стандартлаштириш зарурлигини таъкидлайди. Унинг тадқиқотларида ходимлар тайёргарлигини баҳолашда чидамлилиқ, стрессга чидамлилиқ ва экстремал ҳолатларда ҳаракатчанлик хизмат самарадорлигини оширувчи асосий омиллар сифатида белгиланган.

⁹ Лебедев В.И. *Организационно-правовые основы физической подготовки сотрудников органов внутренних дел.* М.: Академия МВД России, 2018. – С. 55–59.

¹⁰ Коробейников А.П. *Физическая подготовка сотрудников полиции: проблемы и пути совершенствования.* СПб ун-т МВД России, 2019. – С. 101–104.

¹¹ Дворянчиков Н.В. *Психолого-педагогические аспекты профессионально-прикладной физической подготовки сотрудников правоохранительных органов.* М.: Юрлитинформ, 2020. – С. 77–81.

¹² Жданов А.А. *Инновационные технологии в системе физической подготовки сотрудников органов внутренних дел.* Вестник СПб ун-та МВД России, 2021, №3. – С. 132–136.

¹³ Сидоров Е.В. *Физическая подготовка как фактор профессиональной пригодности сотрудников МВД.* Москва: Академия управления МВД России, 2017. – С. 44–48.

¹⁴ Collingwood, S. (2019). *Fitness for Law Enforcement Officers: A Functional Approach.* Springfield, IL: Charles C. Thomas Publisher. pp. 73–79.

¹⁵ Schmid, M. *Polizeiliche Einsatztrainings und körperliche Leistungsfähigkeit: Grundlagen und Konzepte.* – Berlin: Springer VS, 2020. – S. 112–117.

Шу билан бирга, **Польшалик олимлардан Andrzej Piechota** ўзининг “Sprawność fizyczna a gotowość zawodowa kadetów policji w Polsce (2021)”¹⁶ номли асарида полиция курсантлари жисмоний тайёргарлигини баҳолаш тизимида махсус тестлар ва психологик диагностикадан комплекс фойдаланиш орқали хизмат самарадорлигини ошириш мумкинлигини асослаб беришган. Унга кўра, полиция кадрларининг касбий тайёргарлиги фақат жисмоний кўрсаткичлар билан эмас, балки маънавий ва психологик омиллар билан уйғун ҳолда баҳоланиши лозим. **Хитой олимлардан 刘章 (Liú Zhāng)** ўзининг “将中国传统武术融入警察体育训练项目” (*Хитой анъанавий ушуни полиция жисмоний тайёргарлик дастурларига интеграция қилиш*) номли асарида полиция академиялари курсантлари жисмоний тайёргарлик жараёнида миллий спорт анъаналаридан, хусусан, ушу машқларидан самарали фойдаланиш орқали ҳам жисмоний, ҳам маънавий-ахлоқий тарбияни уйғун ҳолда таъминлаш имкониятлари кўрсатилган¹⁷.

Япония олимлари эса жисмоний тайёргарликни ташкил этишда миллий спорт анъаналарини – *кэндо* ва *дзюдо* каби машғулотларнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Хусусан, **中村 剛 (Nakamura Tsuyoshi)** ўзининг **『武道と日本の警察訓練：身体的および道徳的な準備』** (*Будо ва Япония полицияси тайёргарлиги: жисмоний ва маънавий тайёргарлик*) номли асарида¹⁸ спорт турлари полиция ходимларида нафақат жисмоний чидамлик ва ҳаракатчанликни, балки маънавий интизом, ирода ва психологик барқарорликни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга дейди.

Шундай қилиб, турли давлат олимларининг қарашлари ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ташкил этиш ва баҳолашнинг ташкилий механизмларини такомиллаштиришда куйидаги умумий йўналишларни кўрсатади: **АҚШ**да – функционал тайёргарлик ва психологик барқарорлик уйғунлиги; **Германия**да – экстремал шароитларда ҳаракатчанлик ва стрессга чидамликни баҳолаш мезонлари; **Польша**да – жисмоний ва психологик тестларни комплекс тарзда қўллаш; **Хитой**да – миллий спорт элементларини тизимга интеграция қилиш; **Япония**да – жисмоний тайёргарлик билан маънавий интизом уйғунлигини таъминлаш. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, турли илмий мактаблар назариясида жисмоний тайёргарликнинг аҳамияти хизмат самарадорлигини ошириш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда универсал омил сифатида эътироф этилган.

Давлат / Олимлар	Асосий йўналиш	Баҳолаш мезонлари	Инновация ва миллийлик
Ўзбекистон (Махсадов, Каримов, Нуруллаев, Назаров, Хўжақулов)	Жисмоний тайёргарликни хизмат самарадорлиги ва жамоат хавфсизлиги билан боғлайди.	Миллий қонунчиликка асосланган баҳолаш мезонлари, соғлом турмуш тарзи ва тиббий-назарий машғулотлар.	Электрон мониторинг, онлайн-тест тизимлари; миллий ҳуқуқий асосларга уйғунлик.
Россия (Лебедев, Коробейников, Дворянчиков, Жданов, Сидоров)	Жисмоний тайёргарликни ҳуқуқ-ташкилий асос сифатида кўради.	Халқаро полиция стандартларига яқинлашиш, психологик барқарорлик.	Электрон симуляторлар, функционал тестлар, инновацион технологиялар.
АҚШ (Collingwood)	Функционал тайёргарлик ва психологик чидамлик уйғунлиги.	Экстремал шароитда қарор қабул қилиш қобилияти.	<i>Functional training</i> методикаси.

¹⁶ Piechota, Andrzej (2021). *Sprawność fizyczna a gotowość zawodowa kadetów policji w Polsce*. // *Journal of Security Studies*, Vol. 15, No. 2, s. 45–52.

¹⁷ Liu, Zhang. *Integrating Traditional Martial Arts into Police Physical Training Programs in China*. – *Asian Journal of Law and Society*, Vol. 8, No. 3, 2021. – pp. 233–240

¹⁸ Nakamura, T. *Budo and Police Training in Japan: Physical and Moral Preparedness*. – Tokyo: Keio University Press, 2018. – pp. 88–93

Германия (Schmid)	<i>Polizei-Sport</i> дастури асосида стандартлаштириш.	Чидамлилиқ, стрессга чидамлилиқ ва ҳаракатчанлик.	Европа полиция амалиётига асосланган қонунлаштирилган дастур.
Польша (Piechota)	Комплекс ёндашув: жисмоний ва психологик диагностика уйғунлиги.	Махсус тестлар ва психодиагностик кўрсаткичлар.	Касбий тайёргарликка қаратилган интеграциялашган баҳолаш тизими.
Хитой (Liu Zhang)	Миллий спорт элементларини интеграция қилиш (ушу).	Жисмоний кўрсаткич билан маънавий-ахлоқий сифатларни уйғунлаштириш.	Ушу элементларини полиция машғулотларига қўшиш.
Япония (Nakamura)	Будо (<i>кэндо, дзюдо</i>) асосида тайёргарлик.	Жисмоний қобилят + маънавий интизом.	Миллий спорт анъаналарини полиция тайёргарлигида қўллаш.

Шу ўринда, ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибалари Ўзбекистон ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнида муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Масалан, АҚШда *Federal Bureau of Investigation (FBI)* томонидан қўлланиладиган *Physical Fitness Test* ходимларнинг хизматбоплигини аниқлашда функционал кўрсаткичларнинг электрон реестр асосида баҳоланиши ва ҳар ярим йилда қайта текширилиши орқали самарали тизим сифатида эътироф этилган¹⁹.

Германияда эса “*Polizei-Sport*” дастури доирасида полиция ходимлари нафақат спорт машқлари, балки экстремал шароитларда стрессга бардошлилик ва тезкор қарор қабул қилиш қобилятига кўра ҳам баҳоланади. Бу усул хизмат самарадорлигини аниқ ва объектив баҳолаш имконини беради²⁰. Японияда эса миллий спорт анъаналарини жисмоний тайёргарлик дастурларига интеграция қилиш орқали ходимларда маънавий интизом, ирода ва психологик барқарорлик шакллантирилмоқда. Nakamura²¹ таъкидлаганидек, дзюдо ва кэндо машғулотлари полиция тайёргарлигининг ажралмас қисми бўлиб, улар ходимларда жисмоний чидамлилиқ билан бир қаторда маънавий фазилатларни ҳам мустаҳкамлайди. Польшада Piechota²² томонидан ишлаб чиқилган методика полиция курсантлари тайёргарлигини баҳолашда жисмоний тестлар билан бирга психологик диагностика ўтказилишини назарда тутди, бу эса хизмат самарадорлигини комплекс тарзда баҳолаш имконини яратади. Хитойда эса полиция академияларида ушу каби миллий спорт машғулотларидан фойдаланиш орқали жисмоний тайёргарлик билан маънавий-ахлоқий сифатларни уйғун равишда ривожлантириш самарали йўналиш сифатида қўлланиб келинмоқда (Liu Zhang, 2019)²³.

Демак, хорижий давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жисмоний тайёргарликни ташкил этиш ва баҳолаш тизими фақат спорт натижаларини эмас, балки психологик

¹⁹ Miller, J. (2019). *FBI Physical Fitness Test: Evaluating Law Enforcement Officers' Functional Readiness*. Washington DC.

²⁰ Schmidt, M. (2020). *Polizei-Sport und Stressresistenz in Deutschland*. Berlin: Polizei Akademie Verlag.

²¹ Nakamura, T. (2018). *Budō to Nihon no Keisatsu Kunren: Shintaiteki oyobi Dōtōteki Junbi*. Tokyo: Keio University Press.

²² Piechota, A. (2021). *Sprawność fizyczna a gotowość zawodowa kadetów policji w Polsce*. Warszawa: Wydawnictwo Policyjne.

²³ Liu Zhang. (2019). *将中国传统武术融入警察体育训练项目 (Integrating Chinese Martial Arts into Police Physical Training)*. Beijing: China Public Security Press.

барқарорлик, экстремал шароитларда ҳаракат қобилияти ҳамда миллий спорт анъаналарини қамраб олган ҳолдагина самарали бўлиши мумкин. Бу жиҳатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш Ўзбекистон ички ишлар органлари тизимида хизмат самарадорлигини ошириш, инсон ресурслари салоҳиятини мустаҳкамлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим илмий-амалий натижаларни беради.

Шу нуқтаи назардан, ҳозирги кунда Янги Ўзбекистон шароитида ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ташкил этиш ва баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларида қайси муаммолар мавжуд? деган ўринли ва долзарб илмий савол пайдо бўлади. Бу саволнинг қўйилиши, аввало, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ягона стандартлаштирилган мезонлар ва инновацион ёндашувларнинг етарли эмаслиги, турли ҳудудларда жисмоний тайёргарликни баҳолашда ягона услубий ёндашув мавжуд бўлмаганлиги, шунингдек, ходимларнинг касбий тайёргарлигида психологик барқарорлик ва функционал чидамлик омилларининг етарли даражада қамраб олинмагани билан изоҳланади. Демак, мазкур илмий муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш замонавий қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда, Янги Ўзбекистонда ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ташкил этиш ва баҳолаш жараёнлари қатор муаммолар билан боғлиқ эканлиги кузатилмоқда. Буларга:

биринчидан, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги умумийлик муаммоси, бунда амалдаги ҳуқуқий базада жисмоний тайёргарликка оид мезонлар умумий тарзда белгилангани ходимларни баҳолашда объективликни таъминламайди. Масалан, “*жисмоний ҳолати яхши*” ёки “*қониқарли*” деган умумий ифодалар ходимнинг ҳақиқий функционал имкониятини тўлиқ намоён қила олмайди. Аниқ стандартлар — югуришдаги вақт, юк кўтариш меъёри, ҳаракатчанлик тестлари ёки стрессга чидамлик мезонлари каби кўрсаткичлар белгиланмаганлиги баҳолаш жараёнида субъектив ёндашувга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, ходимларнинг хизматга тайёрлик даражасини баҳолашда адолатсизлик ва турлича талқинларга йўл очади;

иккинчидан, инновацион технологиялардан фойдаланиш даражаси пастлиги, бунда баҳолаш тизимида ҳозирча замонавий инновацион технологиялар (*масалан, биомониторинг, смарт-гаджетлар, юрак уриши сенсорлари, стресс индикаторлари*)дан кенг кўламда фойдаланилмаяпти. Бу ходимларнинг фақат жисмоний қуввати эмас, балки уларнинг психологик барқарорлиги, фавқулудда ҳолатларда қарор қабул қилиш қобилияти ва функционал чидамлигини аниқ баҳолаш имконини чеклайди. Замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш эса хизмат самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади;

учинчидан, машғулотларнинг мунтазамлиги ва тизимлилиги етарли эмаслиги, бунда ходимларнинг жисмоний тайёргарлик машғулотлари кўп ҳолларда номунтазам ўтказилиши ёки формал тусда ташкил этилиши уларнинг хизматга доимий тайёр ҳолатда бўлишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жисмоний машқлар фақат хизмат вазифасига эмас, балки соғлом турмуш тарзи ва узлуксиз малака оширишнинг ажралмас қисми сифатида кўрилиши зарур. Машғулотларнинг мунтазамлиги таъминланмаса, ходимларда тезкор ҳаракатчанлик ва чидамлик даражаси барқарор эмаслиги кузатилади;

тўртинчидан, илмий-назарий таҳлил ва хорижий тажрибадан етарли фойдаланилмаганлиги, бунда миллий тизимда жисмоний тайёргарликка оид илмий-назарий таҳлиллар чуқур ўрганилмагани ҳамда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари тўлиқ интеграция қилинмагани натижасида инновацион ёндашувлар етарлича татбиқ этилмаяпти. Масалан, АҚШда функционал тайёргарлик ва психологик барқарорлик уйғун баҳоланади, Германияда экстремал шароитлардаги стрессга чидамлик текширилади, Японияда эса жисмоний машқлар маънавий интизом билан уйғунлаштирилади. Миллий тизимда бу каби

ёндашувлардан самарали фойдаланиш қонуний асослар билан таъминланмаса, натижада миллий модел етарли даражада замонавий стандартларга мос бўлмайди.

Шу тарзда, муаммолар тизимли равишда таҳлил қилинганда уларнинг замирида ҳуқуқий умумийлик, технологик ортда қолиш, амалий мунтазамлик етишмаслиги ва илмий-амалий интеграциянинг камлиги ётаётгани кўринади. Бу муаммоларни бартараф этиш учун миллий қонунчиликка аниқ стандартлар киритиш, инновацион технологияларни жорий этиш, мунтазам машғулотлар тизимини йўлга қўйиш ва хориж тажрибаларини мослаштириш зарур.

Юқорида қайд этилган муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан ҳал этиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга йўналтирилган қатор таклифларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш долзарб ҳисобланади. Хусусан:

биринчидан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш. Бунда ички ишлар органлари ходимлари жамоат хавфсизлигини таъминлашда асосий субъектлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг жисмоний тайёргарлиги қонунчиликда аниқ тартибга солиниши шарт. Ҳозирги кунда Қонуннинг 21-моддасида хизматга қабул қилиш шартлари умумий тарзда белгиланган, бироқ жисмоний тайёргарликка оид аниқ талаблар йўқ. Шу муносабат билан моддага қўшимча сифатида “Ички ишлар органларига хизматга қабул қилинадиган шахслар белгиланган жисмоний тайёргарлик меъёрларига тўлиқ жавоб бериши шарт” деган нормани киритиш таклиф этилади. Бу ходимларни танлаб олишда субъектив ёндашувларни чеклаб, хизмат самарадорлигини оширади;

иккинчидан, “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5005-сон Фармони такомиллаштириш. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон Фармони ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Аммо ҳужжатда хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш мезонлари аниқ белгиланмаган. Шунинг учун унинг 3-бандига қўшимча тарзда “Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлик даражаси ягона стандартлар асосида баҳоланади” деган қоида киритиш зарур. Бу орқали хизматчиларнинг функционал тайёргарлиги ва соғлиғини халқаро стандартларга мос баҳолаш тизими шаклланади. Масалан, АҚШда FBI ходимлари йилда икки марта махсус жисмоний тестдан ўтади ва натижа хизмат баҳосининг ажралмас қисми ҳисобланади;

учинчидан, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунда қўшимча нормалар белгилаш. Бунда, қонуннинг 9-моддасида давлатнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги вазифалари умумий тарзда белгиланган. Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун жисмоний тайёргарликнинг ҳуқуқий асослари қайд этилмаган. Шу сабабли, моддага қўшимча равишда “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жисмоний тайёргарлигининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари давлат томонидан қўллаб-қувватланади ҳамда қонун билан кафолатланади” деган норма киритилиши таклиф қилинади. Бу жисмоний тайёргарликни шахсий масъулият даражасидан давлат сиёсати даражасига кўтариш имконини беради;

тўртинчидан, “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом”ни такомиллаштириш. Бунда, ҳозирги амалиётда ходимларнинг хизмат баҳолаш тизимида жисмоний тайёргарлик ҳолатига оид аниқ мезонлар йўқ. Шунинг учун Низомга “Ходимларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси йилда камида икки марта махсус нормативлар асосида баҳоланади ва натижалар хизматчи малакасини

баҳолашининг ажралмас қисми ҳисобланади” деган нормани киритиш таклиф этилади. Бундай механизм Германия полицияси тажрибасида ҳам йўлга қўйилган бўлиб, уларда ходимлар ҳар йили махсус спорт нормативларини бажаришлари шарт;

тўртинчидан, халқаро тажрибани миллий қонунчиликка интеграция қилиш. Бунда, жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, жисмоний тайёргарлик хизматга қабул қилишда эмас, балки хизматнинг бутун даври мобайнида доимий назорат остида бўлади. Масалан, Японияда полиция ходимлари ҳар уч ойда спорт нормативларини топширишга мажбур, Хитойда эса миллий спорт элементлари тайёргарлик дастурларига интеграция қилинган. Шу тажрибалардан келиб чиқиб, миллий қонунчиликка “Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлиги узлуксиз мониторинг ва баҳолаш тизими орқали таъминланади” деган қоида киритиш мақсадга мувофиқ. Бу нафақат хизмат самарадорлигини оширади, балки ходимлар саломатлигини асраб-авайлашга ҳам хизмат қилади.

Юқоридаги таҳлилдан кўришиб турибдики, Янги Ўзбекистонда ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ташкил этиш ва баҳолаш масаласи ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида стратегик устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бу борада давлат сиёсатининг асосий тамойиллари – инсон манфаатлари ва хавфсизлиги устуворлиги билан узвий боғлиқ ҳолда, жисмоний тайёргарлик фақат шахсий соғлиқ ва спорт кўрсаткичлари эмас, балки хизмат самарадорлиги ва касбий малака билан чамбарчас уйғун омил сифатида намоён бўлади. Миллий ва хорижий олимларнинг илмий-назарий қарашлари ҳамда ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жисмоний тайёргарлик тизими самарали бўлиши учун унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши, ягона стандартлаштирилган мезонлар жорий қилиниши, инновацион технологиялардан фойдаланиш ва миллий спорт анъаналарини интеграция қилиш зарур.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда амалдаги тизимда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар ҳуқуқий умумийлик, технологик ортда қолиш, машғулотларнинг мунтазам эмаслиги ва илмий-назарий таҳлил ҳамда хорижий тажрибалардан етарли фойдаланилмаганлигида намоён бўлмоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликка аниқ стандартлар киритиш, хизматчи фаолияти давомида доимий мониторинг тизимини йўлга қўйиш, инновацион педагогик ва психологик ёндашувлардан фойдаланиш ҳамда ривожланган давлатлар тажрибасини миллий шароитга мослаштириш зарур.

Демак, ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш фақат хизмат самарадорлигини ошириш ва жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш воситаси эмас, балки инсон ресурсларини ривожлантириш, аҳолида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончни мустаҳкамлаш ва давлат хавфсизлиги тизимини замонавий талабларга уйғунлаштиришда ҳал қилувчи стратегик омил сифатида қаралиши лозим.